

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВ ЭЛЁР АЛИМДЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ГЕРПЕТИК СТОМАТИТНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ КЛИНИК – ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ризаев Элер Алимджонович

Болаларда герпетик стоматитни комплекс даволашни клиник –
патогенетик асослаш..... 3

Ризаев Элер Алимджонович

Клинико-патогенетическое обоснование комплексного лечения
герпетического стоматита у
детей..... 19

Rizaev Elyor Alimdjonovich

Clinico-pathogenetic substantiation of complex treatment of herpetic
stomatitis in children 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВ ЭЛЁР АЛИМДЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАРДА ГЕРПЕТИК СТОМАТИТНИ КОМПЛЕКС
ДАВОЛАШНИ КЛИНИК – ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib500 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tsd1.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекжанова Ольга Есеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Лукина Галина Ильхамовна
(Россия Федерацияси)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Упсала университети (Швеция)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж. А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л. Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х. П. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурити. Бугунги кунда дунё миқёсида герпетик стоматит (ГС) кўп учрайдиган касаллик ҳисобланади. “ГС ҳар 7-10 болада учраб, эрта сурункали ва рецидивланувчи турига ўтиши ҳамда кўз, ички аъзолар, асаб тизими, меъда – ичак йўли ва жинсий аъзоларнинг шиллиқ қаватини зарарлаши ва турли онкологик касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши жиҳатидан тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб келмоқда”¹. Болалар орасида герпетик инфекция кўп ҳолларда оғиз бўшлиғида герпетик стоматит кўринишида кузатилиб, йил давомида болада бир неча маротаба рецидив зўрайишлар билан кечади. “Оддий герпес билан зарарланиш 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларда 60% ташкил этиб, 15 ёшли болаларда эса 90% ташкил этади ва бу кўрсаткичлар йил сайин ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Герпес вирусли касалликлардаги летал ҳолатларда ўлим сабаблари бўйича 15,8%ни ташкил этиб, гриппдан (35,8%) кейинги 2 ўринни эгаллайди. Дунё бўйича 20 миллиондан ортиқ инсон касалликларни бирон бир белгиларисиз вирус ташувчилар ҳисобланса, уларни қарийб ярми оддий герпес вируси (ОГВ) билан зарарланган. ОГВ-1 ва ОГВ-2 турдаги вирус ташувчи инсонлар сони охириги 10 йилда 30%га кўпайган. Фақатгина АҚШнинг ўзида бу кўрсаткич 70-100 миллионни ташкил этади. Ўтган асрнинг 80-йилларига нисбатан вирус ташувчи инсонлар сони АҚШда 13-40%га, Европа давлатларида 7-16%га, Африка давлатларида эса 30-40%га ошган”².

Жаҳон миқёсида болалар орасида герпетик инфекция билан зарарланиш авж олиши сабабли касалликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва даволаш бўйича тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада патологик жараёнга самарали таъсир қилиш йўллари ва адекват даволаш усуллари раціонал асосларини ишлаб чиқиш, танадаги турли хил биологик муҳитларда эндоген интоксикация (ЭИ) ва клиник ҳолатни ўрганиш асосида болаларда ГСни даволаш жараёнини муқобиллаштириш ва ташхислашни такомиллаштириш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўз навбатида болаларда ГС авж олишида ЭИ патогенетик аспектларини очиқ бериш, болаларда ГС даволашнинг патогенетик йўналтирилган алгоритминини ишлаб чиқиш ва бемор болалар ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган тадбирларни такомиллаштириш, ҳозирги кунда, мазкур муаммога қаратилган илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиш бўйича мақсадли амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Касалликларни самарали даволаш, жумладан болалар стоматологиясида касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича турли изланишлар олиб борилди.

¹ Детская терапевтическая стоматология. Национальное руководство / под ред. В.К. Леонтьева, Л.П. Кисельниковой. — М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010. — 896 с. (Серия «Национальные руководства»).

² ЖССТ маълумотлари, 2015 йил

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мулжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолини ижтимоий химоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада республикамизда тиш кариесига олиб келувчи омиллар, касалликни тарқалиш ва жадаллигини ўрганиш, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати, ҳамда антинатал ва перинатал даврларда она ва бола саломатлиги борасида тарғибот ишларини такомиллаштириш каби масалаларни ҳал қилишда болалар стоматологиясининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарорида ва ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётларидан маълумки, герпес вируси аҳоли орасида кенг тарқалиб, касаллик патогенезини мураккаблиги, касаллик белгиларининг полиморфлиги, атипик ва клиник белгиларсиз кечиши жиҳатидан олимлар орасида кўпгина қизиқиш уйғотмоқда (Долгих Т.И., 2010; Еленская Ю.Р., 2012). Герпетик инфекцияни даволашда вирусни тўлиқ элиминацияга учрашига эришиш мумкин эмас, шунинг учун ҳозирги давр терапиясининг мақсади, актив репликацияланувчи вирусни латент ҳолатга ўтказиш, патологик белгиларни камайтириш ва ремиссия даврини узайтиришдан иборат (Халдин А.А., 2012; Laudenbach J.M., 2013; Hull C.M. et al., 2014). Вирусга қарши дори воситалари юқори самарали терапевтик таъсир кўрсатса ҳам, профилактик ва редицивланишга қарши таъсирга эга эмас. Бундай мақсадга эришиш учун комплекс даволашда маҳаллий ва тизимли фармакотерапияни қўллаш бирмунча самарали ҳисобланади (Шульдяков А.А., 2012; Fleckenstein J., 2009; Shintani M. et al., 2011; Rahimi H. et al., 2012; Слободенюк В.К. и соавт., 2012; Sorokin Yu.N., 2015).

Ҳозирги давр илмий тадқиқотлар устувор йўналишида, герпетик инфекцияда касаллик патогенезини ривожланишини ўрганиш орқали, интоксикация синдроми патогеник аспектилари универсал синдромокомплекс эканини очиб бериб, бу синдромокомплекс касалликнинг оғирлик даражасини ва уни натижасини белгилаши аниқланган (Кузнецова О.Ю.

2004; Слободенюк В.К и соавт., 2012; Сухова Т.В., 2010; Маржохова М.Ю., Шаова А.А., Маржохова А.Р., 2013; Маржохова М.Ю., Нагоева М.М., Афашагова М.М., Маржохова А. Р., Шахова А.А., 2016).

Турли касалликларда қон плазмасидаги ўрта молекуляр пептидлар концентрацияси ЭИ кўрсаткичи бўлиб хисобланади (Малеев В.В. и соавт., 1986; Ющук Н.Д. и соавт., 1990; Нагоев Б.С., Габрилович М.И., 2000; Нагоев Б.С., Оразаев Н.Г., 2004; Нагоева М.Х., 2010). Шу билан бир қаторда, ўрта молекуляр пептидларни ошиши, организмда унинг хосил бўлишини кучайиши хисобига ҳам, унинг экскрециясини камайиши хисобига ҳам бўлиши аниқланган (Нагоев Б.С., Джуртубаева Д.И., 2003).

Юқоридагиларга таянган ҳолда болаларда рецидивланувчи герпетик инфекцияда ЭИ кўрсаткичларини ўрганиш, ГС даволаш ва олдини олиш бўйича аниқ ва жадал чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кераклигига асос бўлиб хизмат қилади. Илмий тадқиқотлар ва илмий адабиётлар таҳлил натижаларига таяниб, Республикамизда кенг қўламли изланишлар ўтказиш зарурияти етилиб қолганлиги тўғрисида бир тўхтамга келиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, муаммо устида тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011400199-сонли «Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, пародонт ва тишлар патологиясини янги ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2014-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болалардаги герпетик стоматитни ташхислашни ва клиник-патогенетик терапиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда герпетик стоматит кечишини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

болаларда турли оғирликдаги оғиз бўшлиғи герпетик стоматитини антенатал ва соматик анамнезини баҳолаш;

ГС билан оғриган болаларда стоматологик касалликларни тарқалиши ва зўрайишини қиёсий таҳлил қилиш;

болаларда ГС шакли ва оғирлик даражасига караб, оғиз бўшлиғи суюқлиги, қон плазмаси ва эритроцитлар, ҳамда сийдикда куйи ва ўрта молекуляр массали моддаларни (ҚвЎМММ) ва олигопептидларни(ОП) таҳлил қилиш;

детоксикация усулини қўллаган ҳолда болаларда ГС комплекс даволашнинг клиник-патогенетик йўналтирилган кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг болалар терапевтик стоматология

поликлиникасига мурожжат қилган 156 нафар герпетик стоматитли бемор болалар ва 154 нафар амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предметини герпетик стоматит билан касалланган болалар қони ва зардоби, сийдиги, сўлаги ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда умумклиник, биёкимёвий, микробиологик, иммунологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

герпетик стоматитларни кечиши организмнинг детоксикацион тизимларининг барқарор эмаслиги сабабли болалар ёши билан бевосита боғлиқлиги клиник исботланган;

антенатал ва перинатал омилларнинг ҳамда соматик ва стоматологик статусларни болаларда герпетик стоматитни келиб чиқишидаги ва кечишидаги муҳим ўрни баҳоланган;

герпетик стоматитни ўрта молекуляр оғирликдаги моддалар ва олигопептидларнинг оғиз суюқлиги, қон плазмаси, эритроцитларда йиғилиши токсемиянинг интегратив индексининг ортиши ва касалликнинг хуруж даврида кўпроқ намоён бўлаб, ремиссия даврида сақланадиган эндоген интоксикациянинг шаклланиши билан кечиши аниқланган;

реконвалесценция даврида интоксикациянинг юқори кўрсаткичлари асосида герпетик стоматитнинг ривожланиши ва рецидивларининг юзага келишида эндоген интоксикациянинг патогенетик аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар оғиз бўшлиғида ГСни касалликни кечишининг оғирлиги, давомийлиги, хуружларнинг қайталаниш даврийлиги, перинатал даврнинг ноҳуш кечиши каби скрининг элементлар аниқлаштирилган;

оғиз бўшлиғида индивидуал клиник ҳолатни эътиборга олган ҳолда, профилактик чора тадбирлар универсал алгоритми таклиф этилган;

болалар ГСда ЭИ ташхислаш такомиллаштирилиб, ЭИни оғирлик даражаси аниқланиб, биологик суюқликларда ЭИ кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда комплекс даволашни режалаштириш зарурлиги исботланган;

болалар ГС турли оғирлик даражаларида комплекс даво-профилактик чора тадбирларида маҳаллий ва умумий патогенетик дезинтоксикацион терапияни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: тадқиқотда қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, болаларда герпетик стоматитни ривожланишида, тизимли ва маҳаллий механизмларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш республикамызда келажақда герпетик стоматит касаллиги

патогенезини кенгроқ ўрганиш борасида чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадбиқ этилган тадқиқот ГС ЭИ шаклланиши билан кечиб, бунда оғиз бўшлиғи суюқлигида, қон плазмаси ва эритроцитларда ҚвЎМММ ва ОП йиғилиши оқибатида интегратив токсемия индекси ошиши кўрсаткичлари касалликни оғирлик даражасини ташхисловчи асосий лаборатор кўрсаткичлар ҳисобланади ва бу эса ўз навбатида касалликни тўғри даволаш йўлини аниқлаш, самарадорлигини баҳолаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Танадаги турли хил биологик муҳитларда эндоген захарланиш ва клиник ҳолатини ўрганиш асосида болаларда ГС ташхислашни такомиллаштириш, даволашни муқобиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олинган илмий натижалар асосида «Болаларда герпетик стоматитни дезинтоксикацион даволашда янгича ёндашув» мавзусида методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 8н-з/52-сон маълумотномаси). Мазкур методик қўлланма ГСга чалинган бемор болалар танасидаги турли хил биологик муҳитларда эндоген захарланиш, бемор клиник ҳолатини ўрганиш асосида касалликни тўғри даволаш самарадорлигини ошириш имконини беради;

«Болаларда герпетик стоматитни ташхислашда эндоген интоксикациянинг патогенетик ўрни ва моҳияти» мавзуларида методик қўлланмалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 8н-з/52-сон маълумотномаси). Мазкур методик қўлланма ГСга чалинган бемор болалар танасидаги турли хил биологик муҳитларда эндоген захарланиш, бемор клиник ҳолатини ўрганиш асосида касалликни тўғри ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини беради;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан: Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология бўлими, Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси маслаҳат ташхис поликлиникаси, Тошкент шаҳар 3 сонли болалар стоматологик поликлиникаси ва Тошкент шаҳар 1 сонли стоматологик поликлиникаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 02 апрелдаги 8н-д/64 – сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар болаларда ГСни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириб, касаллик оғирлигини 1.32 марта, рецидивланиш сонини 2.5 мартага, касаллик давомийлигини 1.64 мартага камайишига ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Герпетик стоматитнинг патогенетик тамойиллари»** деб номланган биринчи бобида герпетик стоматитнинг этиопатогенези ва клиникасига алоқадор бўлган замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётларининг таҳлили келтирилган. Касалликнинг этиопатогенези, ташхислаш, клиникаси ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари, дифференциал ташхиси, профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспектлар белгиланган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва қўлланилган текширув усулларини умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида герпетик стоматит (ГС) кечишини, касаллик ривожланиши хавф омиллари ва рецидивлар ривожланишини белгиловчи омилларни аниқлашнинг клиник ўзига хосликларини белгилаш учун 6 ойдан 12 ёшгача бўлган, ўткир ва сурункали герпетик стоматитга чалинган 156 нафар бола текширилган. Қиёслаш гуруҳини тегишли жинсга ва ёшга мансуб, оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликларидан холи 154 нафар бола ташкил этган.

Барча болаларда, клиник таснифга (Максимовский Ю.М., Максимовская Л.Н., Орехова Л.Ю., 2002) ва МКБ-10 (1997 й.)га мувофиқ, диагностик чоратадбирлар комплексида сўнг, оддий герпес вируси – [-herpes simplex virus I (HSV1)] туфайли юзага келган герпетик стоматит диагнози қўйилган. (B00.2X,K12.02).

Касалликнинг оғирлиги ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватида, лаб, терида умумий интоксикация симптомлари (пуфакчалар)нинг ва эрозияларнинг намоёнлиги баҳоланган (Казанцева И.А., 2012). Антенатал ва соматик

анамнез таҳлили герпетик стоматитнинг пери- ва антенатал давр патологияси билан боғлиқлигини баҳолаш имконини берган.

Вақтинчалик тишлов даврида тишлар кариеси интенсивлиги кп индекси ёрдамида, алмашинув тишлов даврида – кп+КПУ индекси ёрдамида, доимий тишлов даврида – КПУ орқали аниқланди. 3 ёшгача бўлган болаларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати Федоров-Володкина (1971) индекси ёрдамида баҳоланди; 3 ёшдан катта болаларда гигиеник ҳолатни баҳолашда соддалаштирилган гигиеник индекс қўлланилди – ОНІ-S–индекс (Green J.C., Vermillion J.R., 1964). Гингивит оғирлиги даражасини баҳолаш РМА индекси бўйича, Parma (1960) модификациясида амалга оширилди. Пародонт касаллигининг тарқалганлиги ва интенсивлигини баҳолаш СРІ индексини қўллаган ҳолда амалга оширилди. Организм биологик суюқликлари (қон плазмаси, эритроцитлар, пешоб)да қуйи ва ўрта молекуляр массалик моддаларнинг (ҚваЎМММ) мавжудлиги М.Я.Малахова (1995) услубида, О.Л.Гребнева ва ҳаммуаллифлар (2006) модификациясида ўтказилди; биологик суюқликлардаги олигопептидлар даражаси – Лоури услуби бўйича (Lowry O.N. et all., 1951) ўтказилди.

Герпетик стоматитни даволаш услублари самарадорлигини қиёсий баҳолаш учун ҳар бирида 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган 25 нафар бола қатнашадиган 3 та гуруҳ шакллантирилди, улар жинс-ёш ва ГС оғирлигига кўра фарқланди.

Барча болаларни даволаш вирусга қарши ва қайта тикловчи мазлар билан маҳаллий аппликациявий терапияни, вирусга қарши ва иммуномодуляциявий терапияни ўз ичига олди, кўрсатмаларга кўра ностероид яллиғланишга қарши воситалар, антигистамин препаратлар, витаминлар тайинланди.

Диссертациянинг **“Болаларда герпетик стоматитни даволаш ва профилактикасини замонавий асослашда тадқиқот натижалари”** деб номланган учинчи бобида касалланиш шакли ва беморлар ёшидан келиб чиқиб, болаларда герпетик стоматит кечишининг клиник ўзига хосликларини ўрганилди ва аниқландики, ГС туфайли мурожаат қилган болаларнинг 70,51±3,65% (110 нафари) 6 ойликдан 3 ёшгача даврга тўғри келади; 14,10±2,79% (22 нафари) 3 ёшу 1 ойдан 6 ёшгача бўлган ва 8,97±2,29% (14 нафари) ҳамда 6,41±1,96% (10 нафари), тегишлича, 6 ёшу 1 ой – 10 ёш ва 10 ёшу 1 ой – 15 ёш даврига тўғри келди. Шу тариқа, беморлар ёши катталашган сари, герпетик стоматит сабабли мурожаат қилиш частотаси кескин камая боради.(1-Жадвал).

Ўрганишлар натижасида текширилганлар ёши ортгани сари ГС оғирлиги камайгани аниқланди. Чунончи, ГСнинг оғир кечиши 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган 21нафар (19,09± 3,74 %) болада ва 3 ёшу 1 ойлик – 6 ёш ва 6 ёшу 1 ойлик – 10 ёшгача бўлган болаларда, тегишлича, 1 (4,54±4,54 %) ва 1 (7,14±10,07 %) нафарда кузатилди, 10 ёшу 1 ойликдан 15 ёшгача бўлган болаларда ГС оғир кечиши кузатилмади.

Тадқиқотларимизда болаларда ўткир герпес ва рецидивланувчи герпес(РГ) учраши частотаси таҳлили амалга оширилди (1- жадвал).

Ўткир ва рецидив шаклда кечувчи герпетик стоматитли болалар тақсимооти

Герпетик стоматит оғирлик даражаси	Кечиш шакли		Жами
	Ўткир	Рецидивланувчи	
Енгил	13/30,23±7,0	30/69,77±7,10*	43/100,0
Ўрта	78/86,67±3,58	12/13,33±3,8*	90/100,0
Оғир	22/95,65±4,25	1/4,35±4,25*	23/100,0
Жами:	113/72,44±3,58	43/27,56±3,58	156/100,0
Ёш			
6 ойликдан 3 ёшгача	90/81,82±3,68	20/18,18±3,68	110/100,0
3 ёшу 1 ойлик – 6 ёш	16/72,73±9,49	6/27,27±9,92	22/100,0
6 ёшу 1 ойлик – 10 ёш	7/50,50±13,36	7/50,0±13,36	14/100,0
10 ёшу 1 ойликдан 15 ёш	-	10/100,0	10/100,0
Жами:	113/72,44	43/27,56	156/100,0

Изоҳ: суратда – касалга чалиниш ҳолатлари сони;

махражда – беморлар ичида % ҳисобида;

*- $P < 0,05$ ўткир шаклига нисбатан.

1- жадвалдан кўриниб турибдики, 113 нафар бола ($72,44 \pm 3,58\%$) ўткир герпес вирусли стоматит билан оғирган ва фақат 43 нафар болада ($27,56 \pm 3,58\%$) касаллик рецидиви кузатилган. Қайд этиш керакки, ГС енгил шаклига чалинганлар орасида касалликнинг рецидив шакли устунлик қилди – 13 нафар болага ($30,23 \pm 7,0\%$) нисбатан 30 нафар бола ($69,77 \pm 7,0\%$) ($P \leq 0,05$); ўртача оғирликдаги ГСга чалинганларда – касалликнинг ўткир шакли устунлик қилди: 12 нафарга ($13,33 \pm 3,58\%$) нисбатан 78 нафар ($86,67 \pm 3,58\%$) ($P \leq 0,05$); оғир шаклдаги ГСга чалинганларда касалликнинг ўткир шакли устунлик қилди, у 1 нафар ($4,35 \pm 4,25\%$) га нисбатан 22 бола ($95,65 \pm 4,25\%$)ни ташкил қилди (1- жадвал).

Юқори ёш гуруҳларида касалланишнинг рецидивланувчи шакли тарқалиши ортиши аниқланди. Чунончи, 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган гуруҳдаги болаларда 90 нафари ($81,82 \pm 3,68\%$)да ўткир ГС ва 20 нафар бола ($18,18 \pm 3,68\%$)да – рецидивланувчи ГС (РГС) ташхиси қўйилган ($P \leq 0,05$); 3 ёшу 1 ойликдан 6 ёшгача бўлган ёш гуруҳидаги болаларда бундай нисбат 16 нафар ($72,73 \pm 9,49\%$) га 6 нафар ($27,27 \pm 9,49\%$) ни ташкил қилди ($P \leq 0,05$); 6 ёшу 1 ойликдан 10 ёшгача бўлганлар гуруҳида ўткир ва рецидивланувчи касаллик шакллари нисбати бир хил бўлди – 7 (касалланганларнинг $50,0 \pm 10,36\%$) нафардан ўткир ва рецидивланувчи шаклга чалинганлар; 10 ёшу 1 ойликдан 15 ёшгача бўлган барча 10 нафар болада (касалланганларнинг $100,0\%$)и рецидивланувчи ГС кузатилди.

Барча ажратилган омиллар гуруҳлари ичида РГСга чалинган болаларда учраш частотаси статистик аҳамиятли равишда юқори ($P \leq 0,05$).

Батафсил таҳлиллар РГСга чалинган болалар гуруҳида 2 ва ундан кўп касалликларнинг уйғунлиги сезиларли юқори эканлигини кўрсатди. Чунончи, юқори нафас йўли ва ошқозон-ичак йўли касалликларининг 13 нафар ($11,50 \pm 3,00\%$) болада ЎРС билан ва 22 нафарида ($51,06 \pm 7,62\%$) РГС билан уйғунлиги кузатилди; юқори нафас йўллари касалликларининг ЛОР аъзолари ва ошқозон-ичак тракти патологиялари билан уйғунлиги борасида бундай нисбат 12 ($10,62 \pm 2,90\%$)га қарши 36 ($83,72 \pm 5,63\%$) нафарга тўғри келди ($P \leq 0,05$).

Комплекс клиник текширув ва герпетик стоматитга чалинган болалар анамнезини ўрганиш асосида. Герпес вируси кўп аъзолар ва тўқималарни зарарлаш билан таъсир қилади деган хулосага келинди. Бу уни организмнинг умумий тизимли касалланиши сифатида таҳлил қилишимизни таъкидлай. Биз ўрганган герпетик стоматитсиз болалар гуруҳида соматик патология частотаси ишончли тарзда кам бўлди ($P \leq 0,05$).

Бизни герпес вирусли ва герпес вируссиз болаларда у ёки бу клиник кўрсаткичларнинг учраши ўртача частотаси фарқланиши масаласидан ҳам кўра кўпроқ муайян анамнестик ва клиник омиллар мавжуд бўлганда ГС юзага келиши хавфи мавжудлиги кўпроқ қизиқтирди. Бунинг учун биз томонимиздан болаларда герпетик стоматит юзага келиши эҳтимоли (OR) ҳисоблаб чиқилди (2- жадвал).

2-жадвал

Герпетик стоматит ривожланиши хавф омилларининг уйғунлиги жадвали маълумотлари

Хавф омили	OR эҳтимоли нисбати	OR CS хатоси
1. Онада герпесвирусли инфекция (ГВИ) мавжудлиги	8,975	0,798
2. Онада ГВИ бўйича нохуш анамнез + сурункали соматик патология	21,959	0,419
3. Нохуш перинатал давр + сурункали соматик патология	2,664	0,342
4. Ҳомиладорлик даврида патология	4,408	0,315
5. Туғиш пайтидаги патология	2,976	0,430
6. Нохуш перинатал давр + болалар инфекциялари	2,664	0,342
7. Юқори нафас йўллари касалликлари + ОИЙ патологияси	3,524	0,284
8. Юқори нафас йўллари касалликлари + ОИЙ патологияси + сурункали сийдик-жинсий тизим инфекцияси	2,996	0,268
9. Ошқозон-ичак йўли патологияси + нафас йўли + ЛОР аъзолари патологияси	4,200	0,301
10. Тишлар чиқиши патологияси + сурункали соматик патология	2,136	0,296

Бундан мақсад, эҳтимоллар нисбатини қўллаш натижаси билан фақатгина омил ва якун ўртасидаги алоқанинг статистик аҳамиятини аниқлашгина эмас, балки уни миқдорий баҳолаш ҳам бўлди.

Болаларда ГСнинг эҳтимоллик нисбатини ҳисоблаб чиқиш қуйидагиларни кўрсатди. ГВИга эга оналардан туғилган болалар орасида ГС аниқланиши эҳтимоли ГВИга чалинмаган оналардан туғилган болаларга қараганда 9 марта юқори; онасида ГВИ бўйича нохуш анамнез бўлган ва сурункали соматик патологияга эга болаларда – 22 марта юқори; нохуш перинатал давр ва сурункали соматик патология уйғунлиги ГСга чалиниш эҳтимолини 3 баробарга оширади; ҳомиладорлик давридаги патологияга эга бўлиш – 4 баробарга; туғруқ пайтида патологияга эга бўлиш – 3 баробарга; нохуш перинатал анамнез ва болалар инфекциялари уйғунлиги – 3 баробарга оширади.

Олинган тадқиқотлар анамнестик белгиларни, ҳомиладорлик патологияси частотасини ва туғруқларни, онада ГВИ мавжудлигини, шунингдек ГСда боланинг соматик мақоми ҳолатини батафсил кўрсатди ва уларнинг болаларда герпесвирусли инфекция ривожланишидаги аҳамиятини исботлади (2-жадвал).

Диссертациянинг **“Герпетик стоматит билан оғриган беморларни даволаш”** деб номланган тўртинчи бобида замонавий даволаш усуллари келтирилган. Маҳаллий ва тизимли дезинтоксикациявий терапия жароҳатланиш ҳудудига энтеросгель препаратини камида кунига 3 маҳал аппликация қилиш, шунингдек ичга энтеросгелни – ёшга мувофиқ, ўсиб боровчи дозада қабул қилиш, ўрта ва оғир кечувчи ГСда кўшимча равишда Ацессоль ёки Тиссоль дезинтоксикациявий препаратлари бола ёшига мувофиқ дозаларда берилишидан иборат бўлди.

I гуруҳни вирусга қарши терапияси “Ацикловир” вирусга қарши препарати билан амалга оширилган болаларни ташкил этди;

II гуруҳда вирусга қарши терапия “Виферон” препарати билан амалга оширилди;

III гуруҳда “Виферон” вирусга қарши терапия билан биргаликда, тизимли маҳаллий дезинтоксикациявий терапия қўлланилди.

Стоматологик ва соматик касалланишлар тарқалганлиги гуруҳлардаги беморлар умумий сонидан фоиз ҳисобида баҳоланди. Кўрсаткичлар интенсивлиги вариациявий статистика стандарт услублари ёрдамида ҳисобланди, бунда ҳар бир гуруҳ учун ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик катталиқ хатоси (m) аниқланди. Гуруҳлараро фарқлар ишончлилиги баҳоси (p) Стьюдент (t) мезони ёрдамида белгиланди. Хавф омили мавжудлиги (анамнез маълумотлари ва соматик патология частотаси) ва юзага чиқиши (оғир кечувчи герпетик стоматит) ўртасидаги боғлиқлик статистик аҳамиятини баҳолаш учун биргаликда кечиш жадвалидаги маълумотлар билан эҳтимолликнинг нисбати бўйича ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг “�ўтказилган даволаш натижасида эндоген интоксикация тизимида кўрсаткичлар динамикаси” деб номланган бешинчи бобида организмнинг турли муҳитларида ўзгаришлар носпецифик характерга эга эканлиги эндоген интоксикация синдроми мавжудлигига далолат қилиши аниқланди. Уларнинг намоён бўлиши оғиз суяқликларида, қон плазмаси ва пешобда ҚваЎМММ тўпланиши, эритроцитлар гликокаликсининг ноқобиллиги саналади. Максимал ўзгаришлар ГС оғир кечишида касалликнинг авж даврида кузатилади.

Шу тариқа, герпетик стоматитда эндоген ва экзоген табиатга эга токсик моддалар тўплануви рўй беради, улар клиник жараён оғирлиги ва рецидивлар частотасини белгиловчи метаболик омиллар саналади ва кўплаб аъзолар ҳамда организм тизимлари бузилишини уйғотишга қодир бўлади.

Плазма ва эритроцитлардаги ҚваЎМММ ва олигопептидлар (ОП) иккала кўрсаткичларини ўз ичига олувчи, ҳисоблаб топилган эндоген интоксикация индекси (ЭИИ) таҳлили кўрсатдики, ГСга чалинган болаларда касаллик авжига чиққан паллада метаболик жараёнларнинг умумий фаоллиги энг юқори кўрсаткичга эга бўлади.

Бу даврда ЭИИ назорат кўрсаткичидан енгил кечувчи ГСда – 62,10% ($P < 0,01$); ўрта оғир ГСда – 101,17% ва оғир ГСда – 160,24% ($P < 0,01$) юқори бўлади; реконвалесценция даврида ЭИИ сезиларли пасаяди ($P < 0,01$) ва назорат кўрсаткичидан тегишлича 16,06% ($P < 0,05$); 8,30% ($P < 0,01$) ва 64,06% ($P < 0,01$) юқори бўлади. Ремиссия даврида ЭИИ кўрсаткичлари назорат кўрсаткичларидан оғир кечувчи ГСга чалинган болаларда 33,33% ($P < 0,001$)га юқори бўлади (1- расм). Энг катта клиник эффект дезинтоксикациявий ва вирусга қарши терапиянинг комплекс қўлланилишида аниқланди (III гуруҳ). Қўлланиладиган услублар таъсир қилиш механизми мутлақо фарқли бўлгани боис, юқори клиник самара препаратларнинг аддитив ёки ҳатто синергик таъсирга боғлиқ, дея тахмин қилиш мумкин. Шу сабабли “Виферон”® ва маҳаллий ва тизимли таъсирга эга дезинтоксикацион препаратлар билан даволашни бирга олиб бориш болаларда герпетик стоматитни даволашда оптимал услуб саналади.

ҚваЎМММ ва ОП концентрациялари пасайишининг энг юқори даражалари 3-гуруҳда кузатилди, унда ҚваЎМММ ва ОП кўрсаткичлари даволашдан кейин барча ўрганилаётган муҳитларда назорат кўрсаткичларидан ишончли фарққа ($p \geq 0,05$) эга бўлмади.

3- жадвал


Герпетик стоматитга чалинган болаларда қон плазмасида эндоген интоксикацияси кўрсаткичлари

Касалла-ниш босқичи	Касаллик оғирлиги	ҚваЎМММ умумий пули нисб.бирл.	Катаболик пул Кк	Кк % да	Қон плазмаси ИК катаболик жараёнлари интенсивлиги
назорат		19,2±0,65	2,88±0,12	15,0±0,72	0,631±0,02
Касаллик авжида	енгил	26,4±1,23▪	4,92±0,217▪	18,64±0,721▪	0,953±0,04
	ўртача оғир	32,23±1,44▪ ^x	7,2±0,33▪ ^x	22,36±1,02▪ ^x	1,363±0,06▪ ^x
	оғир	39,2±1,82▪ ^{xo}	9,36±0,41▪ ^{xo}	23,88±1,12▪ ^{xo}	1,529±0,07▪ ^{xo}
Эрта реконвалесценция	енгил	22,80±1,01 ^Δ	3,60±1,36 ^Δ	15,79±0,62 ^Δ	0,667±0,02 ^Δ
	ўртача оғир	23,602±1,11 ^Δ	4,20±1,75 ^Δ	17,80±0,80 ^Δ	0,745±0,03 ^Δ
	оғир	30,0±1,45 ^Δ	6,48±2,66 ^Δ	21,60±0,95 ^Δ	1,17±0,04 ^Δ
Ремиссия	енгил	19,60±0,77 ^{Δж}	3,00±0,012 ^{Δж}	15,31±0,68 ^{Δж}	0,658±0,02 ^{Δж}
	ўртача оғир	20,40±0,95 ^{Δж}	3,24±0,014 ^{Δж}	15,88±0,71 ^{Δж}	0,710±0,02 ^{Δж}
	оғир	23,60±0,88 ^{Δж}	3,84±0,16 ^{Δж}	15,27±0,65 ^{Δж}	0,715±0,03 ^{Δж}

Изоҳ: ▪ - назоратга нисбатан $P < 0,05$; ^x – энгил кечишга нисбатан $P < 0,05$; ^o – ўртача оғир кечишга нисбатан $P < 0,05$; ^Δ – касаллик авжи даврига нисбатан $P < 0,05$; ^ж – эрта реконвалесценция даврига нисбатан $P < 0,05$.

Қон плазмасида ҚваЎМММ спектрал таркибини тиклаш бўйича даволаш самарадорлиги 3- гуруҳда стандарт терапиядан $\geq 34,48\%$ га; 2- гуруҳда $\geq 14,08\%$ га устунлик қилади; оғиз суюқлигидаги тегишли нисбатлар $\geq 26,26\%$ ва $\geq 17,35\%$ ни ташкил этди; қон плазмасидаги эндоген интоксикация ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлари бўйича эса, тегишлича $\geq 29,43\%$; 2-да $\geq 20,43\%$ ва оғиз суюқлигида – $\geq 19,29\%$ ва $\geq 12,01\%$ га тенг бўлди.

Шу тариқа, Виферон ва дезинтоксикациявий терапияни ўз ичига олган комплекс даволашнинг болаларда ГС кечишига ижобий таъсири эндоген токсик субстанциялар детоксикацияси микросомал тизимида модуллаштирувчи эффектга боғлиқдир.



1 – ГС энгил кечиши; 2 – ўртача оғирликда кечиши; 3 – оғир кечиши; 100% - назорат.

1- расм. Герпетик стоматитга чалинган болаларда касалликнинг турли даврларида (назоратга нисбатан %да) интеграл эндоген интоксикация индекси (ЭИИ) динамикаси.

4- Жадвал

Герпетик стоматитга чалинган болаларда оғиз суюқлигида эндоген интоксикацияси кўрсаткичлари

Касаллан иш босқичи	Касаллик оғирлиги	ҚваЎМММ умумий пули нисб.бирл.	Катаболик пул Кк	Кк % да	Оғиз суюқлиги ИК катаболик жараёнлари интенсивлиги
назорат		32,40±1,42	2,40±0,11	7,40±0,22	0,267±0,01
Касаллик авжида	енгил	66,40±2,34 [■]	7,56±0,31 [■]	11,39±0,45 [■]	0,447±0,02
	ўртача оғир	79,80±3,41 ^{■x}	11,88±0,44 ^{■x}	14,89±0,66 ^{■x}	0,63±0,02 ^{■x}
	оғир	38,40±4,25 ^{■xo}	16,56±0,72 ^{■xo}	16,83±0,79 ^{■xo}	0,807±0,03 ^{■xo}
Эрта реконвалесценция	енгил	51,20±2,28 ^Δ	4,32±0,15 ^Δ	8,44±0,25 ^Δ	0,313±0,01 ^Δ
	ўртача оғир	63,20±3,01 ^Δ	8,64±0,36 ^Δ	13,67±0,56 ^Δ	0,571±0,02 ^Δ
	оғир	77,60±3,42 ^Δ	11,76±0,48 ^Δ	15,15±0,61 ^Δ	0,685±0,02 ^Δ
Ремиссия	енгил	33,20±1,51 ^{Δж}	2,52±0,12 ^{Δж}	7,59±0,32 ^{Δж}	0,273±0,12 ^{Δж}
	ўртача оғир	34,40±1,60 ^{Δж}	2,76±0,13 ^{Δж}	8,02±0,27 ^{Δж}	0,291±0,13 ^{Δж}
	оғир	46,40±1,70 ^{Δж}	3,12±0,14 ^{Δж}	8,48±0,34 ^{Δж}	0,313±0,14 ^{Δж}

Изоҳ: ■ - назоратга нисбатан P<0,05; x – энгил кечишга нисбатан P<0,05; o – ўртача оғир кечишга нисбатан P<0,05; Δ – касаллик авжи даврига нисбатан P<0,05; ж – эрта реконвалесценция даврига нисбатан P<0,05.

ХУЛОСА

1. ГС енгил шакли учраши частотаси $27,56 \pm 3,58\%$; ўртача оғирликда – $57,69 \pm 3,96\%$ ва оғир кечувчи ГСники – $14,74 \pm 2,83\%$ га тенг. Касаллик кечишининг оғирлиги, узоклиги, зўрайишлар частотаси хақидаги маълумотлар таҳлили кичик ёш гуруҳига оид болаларда касалликнинг оғирроқ кечишига далолат қилади: ГС туфайли мурожаат қилганларнинг $70,51 \pm 3,65\%$ дан зиёди 6 ойликдан 3 ёшгача бўлганларга тўғри келди; $14,10 \pm 2,79\%$ – 3 ёшу 1 ойликдан 6 ёшгача ҳамда $8,97 \pm 2,29\%$ ва $6,41 \pm 1,96\%$ – тегишлича, 6 ёшу 1 ойлик – 10 ёш ва 10 ёшу 1 ойикдан 15 ёшгача бўлганларга тўғри келди.

2. ГВИга эга оналардан туғилган болаларда ГС юзага келиши эҳтимоли 8,98 баробар юқори; онада ГВИ бўйича нохуш анамнезга ва сурункали соматик патология кузатилганда – 21,96 баробарга юқори; нохуш перинатал давр ва сурункали соматик патология уйғунлашувида – 2,66 баробар; ҳомиладорлик давридаги патология мавжудлигида – 4,41 баробар; туғруқдаги патологияда – 2,98 баробар; нохуш перинатал анамнез ва болалар инфекциялари уйғунлигида – 2,66–4,20 баробар; тишлар ёриб чиқиши патологияси ва сурункали соматик патологияда – 2,14 баробар юқори.

3. Оғиз бўшлиғида шиллиқ қавати герпетик зарарланган болаларда, ГСсиз болаларга нисбатан, стоматологик касалликлар кўпроқ тарқалиши ва интенсивлиги кучлироқ бўлиши кузатилди ($P \leq 0,05$).

4. Герпетик стоматитда ЎваҚМММ ва ОП моддаларининг оғиз суюқлигида, қон плазмасида, эритроцитларда ва пешобда тўпланиши рўй беради. Организм биологик муҳитларида ЎваҚМММ ва ОП мавжудлиги даражасининг ўсиши патологик жараён оғирлиги даражасига тўғри пропорционал бўлади: енгил кечувчи ГСда $66,40 \pm 2,34$ дан $33,20 \pm 1,51$ гача; ўрта оғирликдаги ГСда $79,80 \pm 3,41$ дан $34,40 \pm 1,60$ гача ва оғир кечишда $38,40 \pm 4,25$ дан $46,40 \pm 1,70$ гача.

5. Реконвалесценция давридаги интоксикация кўрсаткичларининг юқори даражалари касалликнинг келгуси рецидивлари ривожланиши ва унинг кеичши оғирлиги учун нохуш прогноз мезони саналади.

6. “Виферон”® ва комплекс (тизимли ва маҳаллий) дезинтоксикациявий терапияни ўз ичига олувчи таклиф этилган даволаш алгоритми болаларда ГС терапияси ўртача умумий самарадорлигини 22,0%га оширади. Уйғунлаштирилган даволашнинг алоҳида натижалари рецидивлар оғирлигининг 1,32 баробарга камайишида; рецидивлар сонининг – 2,5 баробарга камайишида ва рецидивлар давомийлигининг 1,64 баробарга камайишида кузатилади.

7. ГСли болаларда “Виферон”® қўлланилишида ўртача умумий эндоген интоксикация кўрсаткичлари меъёрлашувининг ўртача умумий самарадорлиги умумқабул қилинган терапиядан қон плазмасида $\geq 20,43\%$; дезинтоксикация қўшилган к омплекс даволашда – $\geq 29,43\%$ га юқори бўлди; оғиз суюқлигидаги тегишли нисбатлар $\geq 19,29\%$ ва $\geq 12,01\%$ ни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

РИЗАЕВ ЭЛЁР АЛИМДЖОНОВИЧ

**КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ
КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ ГЕРПЕТИЧЕСКОГО
СТОМАТИТА У ДЕТЕЙ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республик Узбекистан за № В2018.1.PhD/Tib500.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице (www.tsd1.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Бекжанова Ольга Есеновна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Лукина Галина Ильхамовна
(Россия)
доктор медицинских наук, профессор

Гулямов Суръат Саидвалиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Университет Упсалы (Швеция)

Защита диссертации состоится “__” _____ 2018 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103. Тел./факс: (+99871)-230-20-65; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за №__) Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, ул. Махтумкули, 103(Тел/факс.: (+99871) 230-20-65).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

Ж. А. Ризаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Л. Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х. П. Камилов

Председатель научного семинара при научном Совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире герпетический стоматит (ГС) в настоящее время является распространенным заболеванием. “По причине того, что ГС встречается у каждого 7-10 ребенка, рано переходит на хронический и рецидивный тип заболевания, поражает глаза, внутренние органы, нервную систему, желудочно-кишечный тракт и слизистую оболочку половых органов, является причиной возникновения различных онкологических заболеваний, он превращается в одну из актуальных проблем медицины”³. У детей герпетическая инфекция часто встречается в полости рта в виде герпетического стоматита, в течение года протекает с периодическими рецидивными обострениями. “Заражение простым герпесом среди детей от 6 месяцев до 5 лет составляет 60%, у 15-летних детей составляет 90% и с каждым годом наблюдается рост этих показателей. Среди вирусных заболеваний летальные исходы от герпетических поражений составляют 15,8%, по распространенности герпес занимает второе место после гриппа (35,8%). Более 20 млн людей в мире являются носителями вирусов в бессимптомной форме, и из них почти половина заражена вирусом простого герпеса (ВПГ). За последние 10 лет число носителей вирусов типа ВПГ-1 и ВПГ-2 возросло на 30%. Только в США этот показатель составляет 70-100 млн. По сравнению с 80-ми годами прошлого века число носителей вирусов в США увеличилось на 13-40%, в европейских странах - на 7-16%, в африканских странах - на 30-40 %”⁴.

Во всем мире особое внимание уделяется исследованиям по выявлению и лечению факторов, влияющих на развитие заболевания в связи со вспышками заражения герпетической инфекцией детей. В связи с этим разработка путей эффективного воздействия на патологические процессы и рациональные основы методов оптимального лечения, в расшировке патологических процессов важную роль играет изучение клинического состояния, постановки диагноза и процесса лечения ГС у детей на основе изучения эндогенной интоксикации (ЭИ) и клинических изменений в различных биологических средах организма. Это, в свою очередь, дает возможность раскрыть патогенетические аспекты ЭИ при развитии ГС у детей, разработать патогенетически ориентированный алгоритм лечения ГС у детей, а также совершенствовать меры, направленные на улучшение качества жизни больных детей, что в настоящее время остается приоритетным направлением научных исследований, направленных на решение этой проблемы.

В Республике реализуются целенаправленные практические мероприятия по реформированию системы здравоохранения. Были проведены различные исследования для повышения эффективности лечения

³ Детская терапевтическая стоматология. Национальное руководство / под ред. В.К. Леонтьева, Л.П. Кисельниковой. — М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010. — 896 с. (Серия «Национальные руководства»).

⁴ ЖССТ маълумотлари, 2015 йил

заболеваний, включая диагностику, лечение и профилактику заболеваний в стоматологии детского возраста. Согласно Стратегии Действий по пяти приоритетным направлениям, ориентированным на развитие Республики Узбекистан в 2017-2021 гг., определены ключевые задачи по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В связи с этим выявление причин, вызывающих кариес зубов, изучение распространенности и интенсивности заболеваний, гигиенического состояния полости рта, а также решение задач по совершенствованию просветительской работы в отношении здоровья матери и ребенка в антенатальном и перинатальном периодах, являются важными задачами детской стоматологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Согласно многочисленным исследованиям, проведенным в разных странах мира, и опубликованной научной литературе, ученые проявляют к изучению вируса герпеса высокий интерес из-за роста инфицированности населения, сложности патогенеза заболевания, полиморфизма его проявлений и наличия атипичных и бессимптомных форм (Долгих Т.И., 2010; Еленская Ю.Р., 2012). В лечении герпетической инфекции достижение полной элиминации вируса герпеса невозможно, в связи с этим, цель современной терапии – переводение активно реплицирующего вируса в латентное состояние, уменьшение патологических симптомов, и увеличение продолжительности периодов ремиссии (Халдин А.А., 2012; Laudenbach J.M., 2013; Hull C.M., et al., 2014). Противовирусные препараты, оказывая высокоэффективное терапевтическое действие, но не обладают профилактическим и противорецидивным действиями. Для достижения такой цели в проведении комплексного лечения наиболее эффективным является применение местной и системной фармакотерапии (Шульдяков А.А., 2012; Fleckenstein J., 2009; Shintani M. et al., 2011; Rahimi H. et al., 2012; Слободенюк В.К. и соавт., 2012; Sorokin Yu. N., 2015).

В настоящее время приоритетным направлением научных исследований является изучение патогенеза патогенности возбудителей острой герпетической инфекции, что способствует расшифровке

